O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 5 сентябрь, шанба • № 69 (11.052) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон қаҳрамонлари*

## ОЛМАЛИҚ ЎҒЛОНИ



...Ҳа, коннинг ҳар бир қисмида яратувчилик меҳнати узлуксиз давом этади. Essential Кончиларнинг шундай шароитлардаги ишини бемалол қаҳрамонликка менгзаш мумкин.

Кончилик касбининг энг мураккабларидан бири экскаватор машинистлиги деб бежиз айтишмайди.

Қудратли бундай техника воситасини бошқариш осон эмас. Бунинг учун мустаҳкам ирода, ақл-заковат, ўз касбига меҳр туйғуси кучли бўлиши керак.

Жонсаид Турдиев шундай working кончиларнинг бири. Унинг кўп йиллик самарали ва сидқидилдан қилган меҳнати юксак қадрланганлиги бежиз эмас. Мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллиги арафасида халқимизнинг бир гуруҳ донгдор фарзандлари қаторида унга ҳам **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилди...

Жонсаид Турдиевнинг иш жойи марказда яъни унинг энг чуқурида. У ерга тушиш ниятимиз борлигини айтганимизда, бироз кутиб туринг, деб айтишди. Шу вақтда радио карнайлари орқали конда сунъий портлаш қилиниши, барча иш жараёнлари тўхтатилиши, ҳамма хавфсиз жойларда бўлиши лозимлиги ҳақида овоз янгради. Орадан бироз вақт ўтгач, коннинг энг тубида портлаш бўлди, унинг гумбурлаши атрофга урилиб, акс-садо берди.

Жонсаид Турдиев ишлаётган жойга етиб келдик. Шундагина у бошқараётган экскаватор ўз «қадди-қоматини» кўрсатди. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам катта эди у. Баландлиги тўрт-беш қаватли уйдай келарди. Шундай техника оддий инсон измига бўйсунганлиги ҳайратомуз эди. Ёнига келиб тўхтаган 110 тонна ҳажмли қудратли «Белаз»га экскаваторчи тўрт-беш «чўмич» маъдан ортиб тўлдиргач, автомашина бўкириб жойидан қўзғалди.

Шу вақт машинист ҳам ўз «пўлат оти»дан пастга туша бошлади. Эгнида коржома, бошида каска, ўрта бўйли, миқтидан келган, юзида қандайдир нур порлаб турган, истараси иссиқ йигит эди у.

Гаплари босиқ, камгап Жонсаид бир кўришдаёқ кишини ўзига ром қилади. Бу унинг табиий ҳислати экан. Суҳбатлашганимизда ҳам камтарлиги, камсуқумлиги шундай билиниб турарди. Уни юксак унвон билан муборакбод этганимизда қисқагина қилиб «Раҳмат» деди.

Ж. Турдиев эсини танибдики, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг кўп минг кишилик байналмилал жамоаси сафида ишлаб келяпти. Шунга ҳам чорак аср бўлиб қолипти. Дастлаб комбинатга қарашли учинчи автокорхонада ҳайдовчилик қилди. Армия сафидан қайтганидан кейин эса ўзи қизиққан экскаватор машинисти бўлиш ҳақидаги орзу-умидини рўёбга чиқаришга аҳд қилди. Собиқ аскарни ҳеч иккиланмай ишга қабул қилдилар. Дастлаб экскаватор ёрдамчиси бўлди. Устози Матқосим Худойбердиев ёш йигитдаги тиришқоқлик, ҳар нарсага қизиқувчанлик ва интизомли, ишини билиб қилиш каби хислатларини сезгач, шогирдга касбини қунт билан ўргатди. Айрим вақтларда ўз ўрнида экскаваторнинг бошқаришини кузатди. Бинойидек ишларди у. «Ҳа, бўладиган бола» деб кўнглидан ўтказарди устоз. Қўли ишга анча келиб қолгач, комбинатнинг ўқув курсига кириб, экскаватор машинистлигига ўқишни тавсия қилди. Устозининг сўзини икки қилмади. Курсни тугатиб, машинистлик дипломини олди. Шундан кейин у қудратли кон техникасини мустақил бошқара бошлади. У турли хил русумдаги экскаваторларда ишлади. Олдинига чўмичи ҳажми тўрт куб метрли техникани бошқарди. Кейинчалик ҳажми 6,8 куб метрли экскаваторларни ихтиёрига олди. Ҳозир эса чўмичи ҳажми 10 куб метрли энг замонавий техника унинг измида.

— Олдинги эскаваторларга нисбатан қуввати катта бўлишига қарамай уни бошқариш анча осон, — дейди Ж.Турдиев. — Ҳамма жараёнлар автоматлашган, фақат тугмачаларни босиб-ўчирсанг бас. Ҳозирги экскаватор икки йилдан ортиқроқ вақтдан бери тўхтовсиз ишлаяпти. Техник ҳолати яхши, Худо хоҳласа, ҳали кўп йиллар ишлайди...

Экскаватор олдига яна бир 110 тонна ҳажмли автоюктўккич келиб тўхтади. Жонсаид чаққонлик билан бошқариш пульти хонасига чиқиб, бир ерга уюб қўйилган маъдандан беш чўмични ортган ҳам эдики, кузов тўлди. Машиналар кетма-кет келиб турар, Жонсаид эса саноқли дақиқаларда маъдан ортиб, уларни яна орқаларига қайтарар эди.

Моҳир машинистнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам доим юқори бўлмоқда. Қаҳрамон кончининг меҳнат муваффақиятлари ҳақида тасаввур янада тўлароқ бўлиши учун яна бир мисол келтириш ўринлидир. У экскаватор машинисти бўлиб ишлаётган ўн олти йил давомида режадан ортиқча 484,6 минг тонна ҳажмдаги маъданни қазиб чиқарди ва автомашиналарга ортди. Уни тайёр маҳсулотга айлантириб ҳисобланса 1400 тоннага яқин тозаланган мис демакдир. Бу билан мустақил юртимизга қанчалик катта фойда келтирганлигини ҳисоблаб чиқинг-а!

Ишлаш давомида ўнга яқин шогирдлар тайёрлади. Уларнинг аксарияти Қалмоққир конида ишламоқдалар, ўз устозлари юзини ерга қаратмаяптилар. Шогирди Барот Очилов эса Жонсаид билан бирга ишламоқда. Ғайрат Масодиқов, Леонид Ким ва бошқалар ҳам унинг қўлида экскаватор машинистлигини ўрганишди.

Турдиевлар оиласи аъзолари бўлган етти нафар ака-уканинг тўрт нафари комбинат корхоналарида меҳнат қилмоқда. Тожибой бурғилаш дастгоҳида ишламоқда. Пардабой мис эритиш заводида, Баҳодир эса кон темир йўлида меҳнат қилмоқда. Жонсаид эса умр йўлдоши — Савринисо билан саккиз нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Етти нафар ўғил тўнғичининг конда ишлаш нияти бор. Шу мақсадда шаҳардаги техника коллежида кон қурувчиси мутахассислигига ўқимоқда...

Жонсаид Турдиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Олмалиқдагина эмас, балки, пойтахт вилоятимиз меҳнаткашларидан давлат ва халқ олдидаги хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва фидокорона меҳнати учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали берилган биринчи вакилдир. Қаҳрамон қалдирғочимиз сафига шундай юксак тақдирга сазовор бўлувчилар қўшилаверсин.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

## ЎҚУВ СЕМИНАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув Хўжалиги Вазирлигида «Фаолият кўрсатаётган жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га айлантиришнинг ҳуқуқий асослари ва ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари» мавзуида республика ўқув-семинари ўтказилди. Унда бу йил ширкат хўжалигига айлантириладиган жамоа хўжаликларининг раислари ва бош иқтисодчилари иштирок этди.***

***Семинарни Қишлоқ ва Сув Хўжалиги Вазирининг биринчи ўринбосари Н. Юсупов олиб борди.***

Анжуманда жамоа хўжаликларини ширкат хўжаликларига айлантиришнинг моҳияти ва ҳуқуқий асослари, жамоа хўжалигининг мол-мулкини баҳолаш ва ташкил этиладиган ширкат хўжалигининг низом, бўлинмас ва пай жамғармаларини шакллантириш, пай жамғармасига киритиладиган ер қийматини ҳисоблаш бўйича маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар ширкат аъзоларининг мулкий пайларини ҳисоблаш ва уларга дивиденд тақсимлаш, ширкат хўжаликларини тузишда ходимларнинг чекланган сонини аниқлаш, хўжаликларда молия-ҳисоб марказларини ташкил этиш ва чек билан ҳисоб-китоб қилиш тизимини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

***(ЎзА).***

## МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛДИЛАР

***ЎТГАН ЙИЛИ Бекобод туманида жуда оз миқдордаги пахта машинада терилган эди. Бу афсусланарли, албатта.***

***Бекободликлар жорий йилда қолоқлик доғини ювиш учун машина теримига алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг йиғилишида бу ҳақда фикрлашиб, маслаҳатлашиб, гапни бир ерга қўйиб олдилар.***

Энг асосийси — ғўза баргининг бир текис тўкилишини таъминлашдир. Шунинг учун ҳам бу муҳим тадбирни табақалаштирилган ҳолда, мутахассисларнинг қатъий назорати остида ўтказиб, узоғи билан 20 сентябргача тугаллашга аҳд қилдилар.

Мавжуд техникалар ҳам сифатли таъмирдан чиқарилиб, қайта-қайта текширувдан ўтказилаётир. Бу соҳада «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонларидан ўрнак олса арзийди. Хўжаликдаги мавжуд 12 та терим машиналари тахт қилиб қўйилган. Айни кунларда 1465 гектар майдоннинг машина теримига ажратилган тенг ярмидаги далалар синчиклаб кўздан кечирилиб, машиналарнинг унумли ишлаши учун нимаики зарур бўлса ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Умуман, бу йил туманда етиштирилган ҳосилнинг кам деганда 50 фоизини машинада териб олинади.

«Ўзбекистон»ликларнинг ибрати Навоий номли, «Далварзин», «Ғалаба» жамоа хўжаликлари деҳқонларини ҳам жадал ишлашга даъват этаётир. Хўжаликларда кечадан бошлаб ОВХ — аппаратларидан самарали фойдаланиш бўйича кўргазмали, амалий машғулотлар бошлаб юборилди. Бу ишга бош ҳосилотлар етакчилик қилмоқдалар.

Бекободликлар янги мавсумни янгича тараддуд билан бошлаш арафасида турибдилар.

***Файзулла ЗИЁДУЛЛАЕВ.***

## ТЕРИМ ЯҚИН!

ДАЛАЛАРДА пахтакор меҳнатининг самаралари кўзга ташланиб турипти. Ғўза тупларидаги шода-шода кўсаклар бирин-кетин бодраб очилмоқда. Ҳамма ерда йиғим-терим тараддуди. Бундай кезларда пайкал оралаб ҳосилнинг чўғи чамаланади. Ҳисоб-китоб қилиниб, терим учун зарур барча воситалар шайланади. Табиийки, буларнинг бари ишнинг муваффақиятини таъминлайди.

***СУРАТДА: Пскент туманидаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси раиси Рамазон Давлатов, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Бахтиёр Нуров ҳамда бригада бошлиғи Эсонбой Умировлар терим тадбирлари ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.***

***Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.***



## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### БОЛАЛАР МИННАТДОР

***МУСТАҚИЛЛИК байрами арафасида Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан хайрия тадбири бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси, вилоят «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» ва болалар жамғармалари фаол иштирок этдилар.***

Тадбирга Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Чиноз, Янгийўл, Паркент туманларидан юздадан зиёд етим болалар таклиф этилди. Улар учун катта дастурхон безатилди. Қизиқарли томошалар кўрсатилди. Хайрия жамғармалари вакиллари совғалар инъом этишди. Айниқса, «Қувайт» халқаро жамғармасининг Ўзбекистондаги бўлими бошлиғи Гаеб Жалол бен Содиқ томонидан ичига барча ўқув қуроллари солинган портфеллар топширилиши болаларнинг қувончига қувонч қўшди.

***Зулхумор ЗАБИҲУЛЛАЕВА.***

### ДАРСЛИКЛАР ТЎЛИҚ ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

***МАЗКУР йилда халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг асосий эътибори дарсликларни тўлиқ етказиб беришга қаратилган эди.***

Бу масала билан вилоят халқ таълими бошқармаси изчил шуғулланди. Натижада, умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган 66 номдаги 186 мингдан зиёд дарсликлар ўз эгаларига етиб борди. 1—3 синф ўқувчилари лотин алифбосидаги керакли китоблар билан тўлиқ таъминландилар.

Айни пайтда вилоят шаҳар ва туманларида қозоқ, қирғиз, тожик тилидаги мактабларда ҳам ўқув қуролларининг етарли бўлиши билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топмоқда.

***Саид ВАЛИЕВ.***

### ЯНГИ БОЗОР ИШГА ТУШДИ

АНГРЕН шаҳрида 800 савдо ўрнига эга янги бозор фойдаланишга топширилди. Бу янги савдо мажмуида харидорлар ва сотувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Умуман, шаҳарда бозорлар фаолиятини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар бозорларида янги расталар қуриш ва ободонлаштиришга 14 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

***Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.***

### ТУҲФА

ВИЛОЯТ хотин-қизлар қўмитаси Мустақиллик байрами арафасида қатор хайрли тадбирларни амалга оширди. Жумладан, вилоят «Маҳалла», «Болалар» жамғармалари, Қизил ярим ой жамияти вакиллари билан биргаликда Янгийўл, Оққўрғон туманларида кам таъминланган, кўпболали оилаларга кийим-бош, ўқув қуроллари ҳадя этилди.

Куни кеча вилоят ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева бошчилигидаги гуруҳ Бекобод туманидаги марказий касалхонанинг туғруқхона бўлимига кўрпа-тўшак, чойшаблар, телевизор, китоблар ва бошқа зарур ашёларни топшириб қайтди.

***Зулҳумор ЖЎРАЕВА.***

*ТАҲРИРИЯТГА ХАТ*

### РАҲМАТ!

***Ҳурматли таҳририят!***

***МЕН «Тошкент ҳақиқати»ни мунтазам ўқиб бораман. Унда вақти-вақти билан шифокорларга миннатдорчиликлар берилиб турилибди. Худди шундай ҳурматга сазовор, беморлар дардига малҳам дўхтирлар, ҳамширалар бизнинг Бўка туманидаги Бўстон қишлоғимизда ҳам бор.***

Улар амбулатория қошидаги поликлиника ва «Тез ёрдам» бўлими нажоткорлари Абдурашид Абдираев, Эгам Туранов, Жаббор Сатторов, Сайёра Дадабоева, Гулбаҳор Парпиева, Гулмира Жўлдосбекова, Клара Умурзоқова, Илҳомжон Ҳамроевдек меҳрибон инсонлардир. Амбулатория мулоҳазалар дафтарида бу ходимлар шаънига дил сўзларини билдирганлар анчагина.

Туманнинг «Кўкорол», «Бўка», «Гулистон» каби ширкат хўжаликларида истиқомат қилувчи 7300 нафар аҳолига хизмат кўрсатаётган бу шифокорларга мурожаат этган борки, албатта, улар ўз вақтида кўрсатилган ёрдамдан хурсандлар.

Яқинда ўзим бел оғриғи хуруж қилиб, ўрнимдан туролмай қолган эдим. Ҳар куни «Тез ёрдам» машинасида ҳамширалар Гулбаҳор, Кларалар келиб даволашди. Эндиликда худди касал бўлмагандек оёққа туриб кетдим.

***Тошпўлат ҲАМРОЕВ, меҳнат фахрийси.***

## ТАНИШИНГ: «RESPUBLIKA» ГАЗЕТАСИ

***Истиқлол байрами кунларида мамлакатимизда яна бир янги нашр — Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги — ЎзАнинг «RESPUBLIKA» газетасининг нишона сони босмадан чиқди.***

Газета саҳифаларида мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар атрофлича таҳлил этилган. Хусусан, профессор Нурислом Тўхлиевнинг «Тараққиёт тамойиллари» мақоласида Президент Ислом Каримов асослаб берган ва муваффақият билан амалга оширилаётган Ўзбекистонга хос тараққиёт моделининг моҳияти теран ёритиб берилган.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Озод республика» шеъри газетанинг биринчи саҳифасида чоп этилган.

Нашрда, шунингдек, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият ва мафкура, дунё воқеалари, тарих, фалсафа, спорт каби ҳаётнинг турли соҳаларига оид мавзулар кенг ўрин олган. Чунончи, Нажмиддин Комил ва Султонмурод Олимнинг «Журъат ва суръат» мақоласида халқ маънавиятидаги ўзгаришлар, журналист Аҳмад Хўжанинг «Мустақиллик — улкан имкониятдир» мақоласида ислоҳот самаралари, тарихшунос Амриддин Бердимуродовнинг «Иттифоқсизликдан келган фалокат» мақоласида жўмард боболаримизнинг чор истилосига қарши кураши қаламга олинган.

Газетада Мусулмон Номознинг Жанубий-Шарқий Осиё молия бозоридаги танглик сабабларига бағишланган «Олмоқнинг бермоғи бор» номли мақоласи, Раҳматилла Бердиевнинг футбол бўйича ўн олтинчи жаҳон биринчилиги сабоқларига бағишланган «Дунё ухламаган тунлар» мақоласи, Америкадаги ишқий можаролар тўғрисидаги «Кўрмайин босдим тиконни...» шарҳи, ҳажвчилар Анвар Обиджон ва Абдураззоқ Обрўйининг асарлари ҳам чоп этилган.

«RESPUBLIKA» жами 16 саҳифадан иборат. Ҳафтада бир бор чиқади. Газетада Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги ва хорижий ахборот тармоқларидан олинган янгилик, хабар ҳамда шарҳлар мунтазам бериб борилади.

***(ЎзА).***

